

• НУҚТАИ НАЗАР

Бозор муносабатларини қарор топтириш, мулкдорлар синфини шакллантириш — бу икки муҳим вазифа жамиятимиз тароққиётини белгиловчи энг асосий йўналишлардан ҳисобланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар бир инсон ва ҳар бир оила алоҳида-алоҳида олганда бадастир бўлса, бу ҳол тадбиркорлар-мулкдорлар синфининг пайдо бўлишидан мадад олган тақдирдагина жамият том маънода бой бўлади. Бу жараённи амалга ошириш, жадаллаштириш ва унинг амалий натижа беришига эришиш учун, албатта, устувор йўналишларни белгилаб олган ҳолда бозор муносабатларини бошқаришнинг иқтисодий усулларига эътиборни қаратиш талаб этилади.

ИККИ МУҲИМ ВАЗИФА

Гап шундаки, бозорни барқарорлаштириш ва мулкдорлар синфини ривожлантириш учун биринчи навбатда кичик ва ўрта тадбиркорлик бўғинлари ўзини тўтиб олмоғи лозим. Ҳозирча бу жараён иқтисодиётнинг кўп тартибли тизимида ўзини ёрқин намойиш эта олди дейиш қийин. Бозорнинг асосий субъектлари билан ҳали ҳам етарли даражада мустақкам алоқалар ўрнатилмаган. Бу ҳол корхоналар мисолида, айниқса, яққол кўзга ташланмоқда. Уларда рақобат ва рақобатбардошлик асосидаги талаб-истаклар ва тақлифлардан рисоладагидек фойдаланилмапти.

Тараққий топан мамлакатларда бозор муносабатлари шароитида корхонанинг ҳуқуқий мустақиллиги билан мулаққо қизиқшмайди, аксинча, янги ташкил этилаётган корхона ишлаб чиқариш харажатларини қай даражада оқлай олади, нарх қўйиш сиёсатини қай даражада юритади, фойда келтира оладими, деган масалалар биринчи ўринга қўйилади. Бу билан корхона ва унинг фаолият соҳаси имкониятлари олдиндан ҳисоб-китоб қилиб чиқилади.

Шу маънода, бизда ҳозирча хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни ҳиссадорлик, кооператив мулкка айлантириш жараёни бошқаришни янада такомиллаштиришга, хусусийлашти-

рилган корхоналарнинг пировад натижаларини кўлга киритишга тўлиқ даражада йўналтирилган, дея олмаймиз. Хусусийлаштиришга гоҳо давлат учун қўшимча пул маблағлари ресурсларини топиш манбаи сифатида қаралмоқда. Аслида хусусийлаштириш — бу бозорнинг доимий йўлдоши, бозор муносабатларини бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи усулки, корхонани бу усулдан воқиф қилмай, унга қўшиқмай туриб, бозор соҳасига киритиб бўлмайди. Афсуски, ҳозирча бунга эриша олганимиз йўқ.

Корхоналарнинг хусусий мулкчиликка ўтиши билан чамбарчас боғлиқ яна бир масала — бу Ўзбекистон иқтисодиёти таркиби ва таркибий бўлинмаларини такомиллаштириш масаласидир. Йўлбошчимиз иқтисодий ўсиш динамикаси, бозор муносабатларини такомиллаштириш, корхоналаримизнинг ҳўжалик юритиш фаолиятдан даромад ва фойда олиш даражасини ошириш халқ ҳўжалиги ва иқтисодиёт таркибин янада такомиллаштириш билан боғлиқ эканлигини қайта-қайта таъкидлаётганлиги бежиз эмас.

Иқтисодиёт таркиби ва таркибий бўлинмаларини оптималлаштириш — Ўзбекистон суверенитети ва иқтисодий мустақиллигининг, жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида киришининг, мулкдорлар-тадбиркорлар синфини шаклланти-

ўсиш учун қўшимча имкониятлар яратилади.

Демак, бозор муносабатларини шакллантириш ва республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг янги босқичида иқтисодиётнинг таркиби ва унинг халқ ҳўжалигидаги салоҳияти сифат жиҳатидан ўзгартирилиши керак. Бу ўз навбатида бир қатор ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишини тақозо этади. Ишлаб чиқаришни келгусида ихтисослаштириш ҳақида чуқур ўйлаб, маҳсулот сотиладиган бозорни аниқлаш, истеъмолчиларни топиш, талаб ва тақлифлар асосида товарларни сотиш юзасидан воситачиларнинг, рақобат имконини берувчи маҳсулотларга нарх қўйишнинг самарали механизмини яратиш, ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш ва экспорт потенциалини ошириш шулар сирасига киради. Энг асосийси, бу муаммо ҳудудий, хусусан, республикамиздаги минтақалар ва туманлар бўйича ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш муаммолари билан бевосита боғлиқ. Зеро, ҳозирнинг ўзидаёқ ушбу ҳудудларда бозор иқтисодиётининг ўзига хос менталитети таркиб топиб, ҳўжалик юритишнинг ўзига хос тизими яратилмоқда.

Қисқаси, бозор муносабатларини қарор топтириш ва янги мулкдорлар синфини шакллантириш давлат иқтисодий сиёсатининг бош йўналишларидан бири бўлиб, у халқ ҳўжалигидаги муаммоларнинг барча қирраларини ўз ичига қамраб олади. Шундай экан, ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг вазифаси ана шу масалага ҳар томонлама чуқур ёндашиб, умумий қоралар тизимидаги устуворлик тизгинини қўлдан чиқариб юбормасликдан иборатдир.

Баҳодир КАЛОНОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори.



Дехқоннинг ташвишли кунлари ҳам, қувончли дамлари ҳам кўп бўлади. Ниҳол униб чиққанида уни юз-кўзига суртиб, барчага омонлик тилайди. Ниҳоллар гул кўрсатиб, дастлабки ҳосилни олганда унинг севиначи янада ортади. Сиз суратларда қўриб турган Сурхондарё вилоятидаги К. Тўлаков номидаги жамоа ҳўжалигига қаршли Фахриддин Искандаров бошқ фермер ҳўжалиги дехқонларининг ҳам қувончи бир олам. Бу ерда бор-йўғи ўн киши меҳнат қилмоқда. Аммо улар яқинда 36 тонна сара қарам етиштириб, шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилдилар.

И. ХўЖАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ПРОКУРАТУРАДА

ТОМЧИЛАР... ВА РОМЧИЛАР

Ажабланманг! Кўзбойлогилар, сеҳргарлар ҳақида ёзмочки эмасмиз. Шу нозик касбни эғллаб, томошабинларни дол қолдираётганларга тасанно. Ишқилиб, биронинг хунарини бошқа биров эғллаб, охир-оқибатда «қовун тушириб», бормок тишлаб, пушаймон қилиб ўтирмаса бўлгани.

Республикамизнинг асосий бойлиги — даладан. Дехқон пешона теридан. Йил-ўн икки ой тўкилган маржон-маржон терлар ҳосиласи давлат газнасига миллионлаб ақча бўлиб тушади. Дехқон яратган ҳосил — бизнинг дастурхонимиз кўрки, мағзига айланади. Бу бор ҳақиқат!

Жамоа ҳўжаликларининг барча мулки-бойлиги ҳам дехқонники. Юзлаб, минглаб ижарачиларники. Йп-янги техникадан тортиб, ҳар грамм ёқилғича унга дахлдор. Демак, борини авайлаб-асраш, тежаб-тергаб ишлатиш барча тармоқ соҳаси хизматчиларининг бурчи. Касб тақозоси. Ҳўжалик ҳисобидидаги борики мулкнинг эгаси бор деб билиш, касбга ҳалоллик, вазифага масъулият — турли даражадаги материалла жавобгар шахсларнинг мажбурий иш тартиби. Ҳар доим шундай бўлиши керак. Тумандаги «Туркистон» жамоа ҳўжалиги омбори мудирин Юсуф Султонов бу қоидадан «унутган»лардан. Аке ҳолда унинг жавобгарлигидаги омбор текшириб кўрилганда 5820 сўмлик камомад борлиги аниқланмади. Омбор мудирин дехқон етиштирган маҳсулотларнинг шу миқдор қисмини «қаерга қўйганини» эслади олмайди. Текшириш якуналарига кўра, Ю. Султоновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси, 1-қисми билан жиноий иш кўзга тилган, «хотираси ўз ўрнига тушди» ва у Хонқа туман суди қарорин билан 30 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди...

«Ғалаба» жамоа ҳўжалигида эса нефть маҳсулотларини сақлаш, тежамли фойдаланиш, давлат интизомига риоя қилиш аҳволи аянчли. Жавобгар шахс К. Эшнйёзов ҳам кўпроқ ҳўжатларга асосланишни эмас, хотирасига суянишни яхши кўрадиганлардан. Ҳўжалик автомашина-техникаларига ёнилги тарқатиш пайтида «ром очиб» ўтиришга одаланган. Масалан, мазкур ҳўжаликдаги нефть маҳсулотларини сақлаш, тарқатиш билан боғлиқ бир кунлик ҳолат текшириб кўрилганда АИ-72 бензинидан 87 литр зиёд эканлиги, дизель ёқилғисидан эса 158 литр етишмаслиги маълум бўлди. К. Эшнйёзов кимдан ёқилғини «уриб қолди-ю», кимга эса «саховат» кўрсатди — сира «эслади олмайди»...

Ҳўжаликда нефть маҳсулотларини сақлаш ҳам мулаққо талабларга жавоб бермайди. Резервуарлар ҳаво узатиш ва беркичиш ускуналари билан таъминланмаган. Еки «Тошкент» жамоа ҳўжалигида қишлоқ ҳўжалик техникалари сақланиши ва улардан фойдаланиш аҳволини олиб кўрайлик. Ҳўжаликда 1996 йилда бир дона «Т-4-А» суриш трактори, бир дона «Т-28х4» чопиқ трактори, бир дона «СКД-6Р» дон комбайни ва икки дона «КХУ-4» ишлов ускунаси, жами қиймати 59373 сўмлик эскирган техника воситалари ҳисобдан чиқарилган. Текшириш давомида эса уларнинг керакли ва яроқли қисмлари ажратиб олинмагани, ҳўжалик омборига кириб қилинмагани маълум бўлди. Еки кераксиз ва яроқсиз қисмлари металл омга топширилмаган. Бугина эмас. Ҳўжалик мутасаддиларининг беғамлиги, лоқайлиги сабабли олдинги йиллар ҳисобдан чиқарилган бир қатор техника ускуналари ҳам «ёлдан кўтарилиб» дуч келган жойда сақланмаётгани маълум бўлди. Еки дехқонга мадад бўладиган бир қатор трактор ва техника ускуналарининг сақланиши ўта ёмон аҳволда. Ана шу қаровсизлик оқибатида бир дона «Т-28/35» маркали трактор ва икки дона «ПА-3-35» суриш воситаси ишлатиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Ҳўжалик бошқаруви раиси С. Абдуллаев ва бош ҳисобчи А. Саидниёзовларнинг масъулиятсизлиги натижасида 1997 йилнинг 21 октябрга ҳолатига кўра, жамоа ҳўжалигининг дебитор қарзлари 19 миллион 301 минг сўм бўлиб, шундан 387 минг сўми муддатли ўтган дебитор қарзлари эканлиги аниқланди. Шунга қарамасдан жамоа ҳўжалиги раҳбарияти томонидан дебитор қарзларни ундириш учун қонунида белгиланган ҳуқуқий чораларни қўллашга, ҳатто ҳаракат ҳам қилинмаган. Масъуллар «Берса берар, бермаса турар!» қабилида иш юритганлар. Бу ҳолат эса Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 175-моддаси, 3-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликка тўғри келади...

Дехқон пешона тўкишидан ундирилаётган мулкка бўлган масъулиятсизлик учун энди тегишли раҳбарлар жазо олишга маҳкумлар.

Жуманазар ОТАНАЗАРОВ, Ботот тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.



Бугун БАЙРАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони ҳар байрамда гўзалликка бурканади, ҳар байрамда бир янади. Халқимизнинг шоду хуррамлиги, болаларнинг қувончлари шу майдонга жам бўлади. осмонимизда қуёш мунаввар, юртимиз тинч, осуда. Шу боис ҳам байрамлар байрамдай ўтади, ҳар кўнгилга татийди. Янги йил байрами арафасида Мустақиллик майдони яна бир бор эртақлардагидек бе-



Зеро, юртимизда байрамлар, тўйу томошалар кўп. Турмушимиздан кўнглимиз тўқ, занди. Баланд, ям-ишил Янги йил арчаси ушбу майдонга янада кўркамлик бахш этди. Ҳар

новдасига минглаб тақинчоқ таққан дарахлар маликаси, айниқса, болаларга шодлик улашди. Юртимизда анъанага айланган Янги йил байрами тананалари ўтаётган ушбу кунларда Мустақиллик майдонига борсангиз, эртақлар оламига кириб қолгандай бўласиз. Майдон болаларнинг ички дунёсига мос безатилган. Ҳар хил ўйинлар аттракционлари, павильонлар, ўйинчоқлар савдо ярмаркалари ишлаб турибди. Бававалт Қорбобо, гўзал Қор-

ридин Афанди, Петручка, Али Бобо ва қирқ қарқчи, Доктор Айболит, Карлон, масхарабозлар чиқишади.

Томошабинлар янги кўнжлар, шеърлар тинглашади.

Бундай ажойиб байрам астурали «Туркистон» сарйида, Циркда, турли театрларда, маданият саройларида, бола ижодий марказларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Болаларга қар хил янги йил совғалари опшириляпти. Бу тадбирларни ўтказишда пойтахт ва туан-



қиз ҳаммининг диққатини тортади. Улар ёнида катта сахна.

Минг-минглаб болалар, ота-оналар бу ерда намойиш этилаётган хайрия концерт дастурларини томоша қилиб завқланадилар, дам оладилар. «Янги йил саргузаштлари» дастурини тайёрлашда шонрлар, композиторлар, режиссёрлар, пойтахт театрлари артистлари, мусиқа жамоалари, ёш талантлар иштирок этдилар.

Карнай-сурнай, доира салқ эртақлари қаҳрамонлари — Қорбобо, Қорқиз, малика Барчиной, Ботир, Алпомиш, Ялмориз кампир, Қовоқвой, Нас-

лар ҳокимликлари ходимари бош-қош бўлишмоқда.

Ўтган йилдан кўнглимиз тўлди. Орзу-умидларнинг рўёбга чиқди. Истиқболни йилдан эса умдимиз кўта. Болажонлар байрам нашоли билан банд, катталарнингчилида янги ўй, янги режар мужассам.

Янги йил — Оила йилкириб келди. Оила — фардларга меҳр-музаббатдан, Уни баркамол қилиб тарбияш масъулиятдан бошланади.

1998 йил барчамизга талур келсин, бахт-саодат, ад йил бўлсин.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

1997 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАРИ

«Йилнинг энг яхши дастурий маҳсулоти» деб аталган республика танловига якун ясалди. Танловни Ўзбекистон Фан ва техника давлат кўмитаси ва шу кўмита ҳузурдаги «Инфо-фан» ахборот технологиялари маркази эълон қилган эди. Танловда учта совринли ўрин учун 60 га яқин даъвогар иштирок этди. Улар орасида давлат муассасалари, илмий тадқиқот институтлари, банклар, шу соҳадаги фирмалар компьютер хизмати жамоалари, шунингдек, республика олий ўқув юрталарининг ахборот технологияларини ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган талабалари ва ўқитувчилари бор эди.

Танлов шартларига кўра, ҳакамлар муҳокамасига тақдим этилган дастурий маҳсулотлар мамлакатимизда яратилган бўлиши, яъни хорижий дастурларнинг мослаштирилган тури бўлмаслиги керак. Мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг, Ватанимиз фанининг, таълим ва маданият соҳаларининг долзарб вазифаларини ҳал этишга қаратилган ишланмалар биринчи ўринда туриши назарда тутилган.

Ҳакамлар ҳайъати барча ишланмаларни пухта ўрганиб чиқиб, уч голибни аниқлади. Танловда биринчи ўрин «Компьютер-Осиё» илмий-техника парк жамоасига «Амир Темури: шахс, давлат, ренессанс» мультимедиа-комуси учун берилди. Иккинчи соврин компьютердан фойдаланувчиларга барча асосий замонавий ахборот технологияларини ўрганиш имконини берадиган компьютер комуси учун «Сарқор-телеком» фирмасига берилди. Учинчи ўрин эса «Авиаброк-консалд» махсус фирмасига «Хуқуқ» юридик ахборот тизими учун берилди.

Голибларга Фан ва техника давлат кўмитасининг совринлари — энг янги компьютерлардан ташқари, кимматбаҳо дастурий маҳсулотлар, компьютер техникаси, шунингдек, танлаб олинган йўлда ишни давом эттиришни рағбатлантириш учун маблағдан иборат қимматбаҳо совғалар берилди. Бу совғаларни танловнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги кўп сонли ҳомийлари ажратган. Улар орасида «Майкро-софт», «Новелл», «Информикс» каби ва бошқа жаҳонга машҳур компаниялар бор. Совриндорларгина эмас, ишланмалари қизиқарли ва истиқболли деб топилган танлов иштирокчилари ҳам совғалар олди.

Танлов голибларини мукофотлаш маросимида уларни республика Фан ва техника давлат кўмитаси раиси, академик П. Ҳабибуллаев табриқлади. У мамлакатимизда дастурий маҳсулотларнинг бундай танлови биринчи марта ўтказилганини айтди. Танлов натижалари катта аҳамиятга эга бўлади. Чунки мазкур тадбир мамлакатимизнинг ахборот технологияларини яратадиган «индустрияси»нинг салоҳияти етарли даражада улкан ва кучли эканлини кўрсатди. Эндидида бундай танлов ҳар йили ўтказилад.

А. ИВАНОВА, ЎЗА муҳбири.

«АНДОР» ШАҲАРЛАРО ЙўНАЛИШЛАРДА

Фаргона водийсидаги шаҳар ва қишлоқлар оралиғидаги йулларда «Андор» («Анджон-Оренбург») Ўзбекистон ва Россия қўша корхонасига қаршли «Тико» машиналари йўловчиларга хизмат қила бошлади.

Бу корхона бир йилдан буён вилоят маркази аҳолиси ва меҳмонларига транспорт хизмати кўрсатмоқда. Шаҳардаги бешта йўналишда 32 та янги «Дамас» машиналари қатнаб турибди. Шу вақт ичида хизмат сифати хусусан бирорта эътироз билдирилгани йўқ. «Андор» йил бошидан буён аҳолига деярли йигирма миллион сўмлик транспорт хизмати кўрсатди. Эндиликда саккизта «Тико» Фаргона водийсида яшовчиларнинг буюртмаларини бажариб, йўловчиларни республикамиздаги манзилларга яна эмас, Қирғизистоннинг Уш ва Жалолобод вилоятларидаги манзилларга ҳам етказди.

К. Низомов, ЎЗА муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 6 январдан бошлаб ҳисоб ва ҳисобна тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўзга нисбатан кўнглидаги қийматини белгилади:

Table with 2 columns: Currency and Rate. Includes entries for Australia, Austria, Belgium, etc.

Table with 2 columns: Currency and Rate. Includes entries for 1 Euro, 10 Japanese Yen, 1 Norwegian Krona, etc.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурий эмас.

